

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА  
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА  
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

**АХМАДИЕВ ЭДВАРД ЭРИКОВИЧ**

**ПРЕЭКЛАМПСИЯНИНГ ЭРТА ТАШХИСИ ВА РИВОЖЛАНИШИДА  
БИОКИМЁВИЙ ВА ДОППЛЕР МАРКЕРЛАРИНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ЎРГАНИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Ахмадиев Эдвард Эрикович**

Преэклампсиянинг эрта ташхиси ва ривожланишида  
биокимёвий ва доплер маркерларининг  
самарадорлигини ўрганиш..... 3

**Ахмадиев Эдвард Эрикович**

Изучение эффективности биохимических и  
доплерометрических маркеров в ранней  
диагностике и прогрессирования преэклампсии..... 25

**Akhmadiev Edvard Erikovich**

Study of the effectiveness of biochemical and  
Doppler markers in the early diagnosis  
and progression of preeclampsia..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 54

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА  
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА  
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АХМАДИЕВ ЭДВАРД ЭРИКОВИЧ**

**ПРЕЭКЛАМПСИЯНИНГ ЭРТА ТАШХИСИ ВА РИВОЖЛАНИШИДА  
БИОКИМЁВИЙ ВА ДОППЛЕР МАРКЕРЛАРИНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ЎРГАНИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.1.PhD/Tib5284 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.akusherstvo.uz](http://www.akusherstvo.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Асатова Мунира Мирюсуповна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Туксанова Дилбар Исмаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Курбанов Баходир Бобирович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси 132А уй. Тел/факс: (+99871) 263-78-18, e-mail: [info@uzaig.uz](mailto:info@uzaig.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси 132А уй. Тел/факс: (+99871) 263-78-18.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.С. Надирханова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори

**А.М. Бабаханова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

**Р.Б. Юсупбаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда преэклампсия ҳомиладорлик даврида юзага келувчи оғир акушерлик касаллиги бўлиб, асосан плацентар қон айланишининг бузилиши, юрак-қон томир ва буйрак фаолиятидаги ўзгаришлар билан намоён бўлади. Шу билан бирга «...Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича ҳар йили ҳомиладор аёлларнинг 2–8% да преэклампсия ҳолати кузатилади»<sup>1</sup>. Қатор халқаро мета-таҳлиллар ва клиник тадқиқотлар натижаларига кўра, юқори хавфли гуруҳларда семизлик, қандли диабет ва сурункали гипертония фонларида преэклампсия учраш хавфи янада юқори бўлиши қайд этилган. Преэклампсия ҳолатларининг ёш ва репродуктив фаол аҳоли ўртасида тарқалиши, касалликнинг 60% дан ортиқ ҳолларида кўп органли шикастланиш, жумладан, буйрак фаолиятининг бузилиши, кўз қаватида гиперперфузия, ва марказий гемодинамиканинг издан чиқиши оқибатида перинатал асоратлар ривожланиши кузатилади. Касалликнинг эрта босқичларида лаборатор ва доплерографик аломатлар ҳали тўлиқ шаклланмаган ҳолларда преэклампсиянинг ривожланиш хавфини баҳолаш мураккаб бўлиб, ана шундай ҳолатларда сезгир биомаркерлар, плацентар қон томирлар резистентлиги ва эндотелий дисфункциясини баҳоловчи скрининг усулларида фойдаланиш замонавий акушерлик амалиётининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда преэклампсия билан боғлиқ оналар ўлими ҳолатларини камайтириш, перинатал асоратларни бартараф этиш ҳамда бу жараёндаги клиник диагностика, визуализация ва профилактик ёндашувларни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда, преэклампсия оқибатида юзага келадиган кўп органли шикастланишлар ва перинатал асоратлар частотасини камайтириш; хавф гуруҳидаги аёлларда гемодинамик ва плацентар қон айланиш ҳолатини индивидуал равишда баҳолаш; преэклампсия ривожланишини эрта башорат қилиш учун юқори сезгирликка эга биомаркерлар ва функционал ташхис усуллари жорий этиш йўналишида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, юқори хавфли гуруҳларда преэклампсия клиникасини таҳлил қилиш, ташхислаш ва мониторинг қилишда визуализация ва лаборатор усуллар уйғунлигини таъминлаш; перинатал оқибатларни камайтиришга йўналтирилган акушерлик тактикасини стандартлаштириш; ҳамда соҳа учун муҳим ҳисобланган патогенетик даволаш стратегияларини илмий жиҳатдан асослаш бўйича тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва уни жаҳон стандартларига мос равишда ривожлантириш йўналишида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш, бирламчи бўғинни мустаҳкамлаш, касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволаш имкониятларини ошириш, тиббий хизматлар

---

<sup>1</sup> Global and regional causes of maternal deaths 2009–20: a WHO systematic analysis. Lancet Glob Health. 2025.

сифатини тубдан яхшилаш каби устувор вазифалар белгиланган. 2022–2026 йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»нинг етти устувор йўналиши доирасида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамни янги босқичга олиб чиқиш, жумладан, бирламчи тиббий-санитария хизматлари доирасида малакали тиббий хизматни янада яхшилаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу муносабат билан, презекламписия оқибатида келиб чиқувчи акушерлик ва перинатал асоратлар частотасини камайитиришга қаратилган, ушбу хавф гуруҳига кировчи ҳомиладор аёлларда патологияларни эрта аниқлаш ва самарали профилактика стратегияларини шакллантириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунда ташхис ва назорат алгоритмларини такомиллаштириш, клиник протоколлар негизида миллий амалиётга татбиқ этишни назарда тутувчи илмий тадқиқотлар ўтказилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2023 йил 9 августдаги ПҚ-296-сон «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ-311-сон «Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кўплаб илмий ишларга қарамасдан, Презекламписиянинг патогенези, эрта диагностикаси ва прогнозлаш масалалари ҳали ҳам тортишувларга сабаб бўлмоқда. Бу касалликнинг кўп омилли табиати буни янада мураккаблаштиради. презекламписиянинг замонавий концепцияси икки босқичли жараён сифатида аввал плацентар дисфункция, сўнгра эса системали она томонидан жавоб реакцияси кенг тан олинган. Асосий механизм бузилган трофобласт инвазияси ва спирал артериянинг қайта тузилиши билан боғлиқ бўлиб, бу плацента гипоксияси ва антиангиоген омилларнинг фаоллашишига олиб келади (Yu H., 2025). Бу жараёнда ангиоген маркерлар sFlt-1 ва PlGF муҳим роль ўйнайди, уларнинг нисбати (sFlt-1/PlGF) эса презекламписияни клиник симптомлар пайдо бўлишидан бир неча ҳафта олдин башорат қилиш учун ахборотли биомаркер сифатида эътироф этилган (Degnes T.R., 2024). Бироқ, турли этник ва клиник тузилишга эга популяцияларда ушбу маркерларнинг минтақавий референс қийматлари тўлиқ аниқланмаган, бу эса уларни амалиётда кенг қўллашни қийинлаштиради.

Илмий ҳамжамиятнинг яна бир эътибор марказидаги йўналиш — D витамини бўлиб, у потенциал эндотелий дисфункция маркери сифатида кўрилмоқда. Унинг етишмаслиги преэклампсия ривожланиш хавфи билан боғлиқлиги аниқланган, бироқ унинг башоратий қиймати ҳали тўлиқ исботланмаган ва бунда проспектив когорт тадқиқотлари талаб этилади. Шунингдек, 25(OH)D учун стандартлаштирилган чегара қийматларининг йўқлиги ҳам витамин D ни скрининг тизимига тўлиқ жорий этишни чеклайди (Слободчикова Т.С., 2019). Бундан ташқари, биофизик маркерлар айниқса бачадон артерияларининг доплерометрик кўрсаткичлари (PI, RI) ҳам фаол ўрганилмоқда. Улар қон томир резистентлиги ва преэклампсия хавфини инвазивсиз баҳолаш имконини беради. Бу маълумотларни эрта скрининг алгоритмларига (масалан, FMF) интеграция қилиш I триместрда хавфни стратификация қилиш самарадорлигини оширади (Мазурина И. В., 2024).

Ўзбекистонда айрим кузатув тадқиқотлари мавжуд бўлишига қарамасдан, ангиоген, D витаминига боғлиқ ва доплерометрияга асосланган маркерларнинг маҳаллий шароитга мослаштирилган ягона тизимида комплекс баҳоси ҳали мавжуд эмас (Ахмедов Ф.Қ., 2023). Шу билан бирга, ҳомиладорларда преэклампсияни эрта ташхислаш ва унинг натижаларини прогнозлаш (Қурбанов Б.Б., 2022) ушбу йўналишнинг долзарблиги алоҳида таъкидланган. Турли гестацион муддатларда ва хавф омиллари мавжуд бўлган ҳолларда бу маркерларнинг сезгирлик ва махсуслик даражаларига оид маҳаллий маълумотлар етарли эмас. Шундай қилиб бугунги кунда жаҳон фанининг ютуқларига қарамасдан, преэклампсия муаммоси миллий контекстда етарлича тадқиқ этилмаган. Бу эса республикада эрта диагностика ва профилактикага йўналтирилган интеграл ҳамда персоналлаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича комплекс клиник-лаборатор тадқиқотларнинг долзарблигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-ташкilotнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** преэклампсиянинг юзага чиқиши ва унинг ривожланишини баҳолашда айрим биокимёвий ва биофизик маркерларнинг ўзига хослиги ва сезгирлигини ўрганишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

преэклампсия ривожланиш хавфи мавжуд бўлган ва физиологик ҳомиладорликка эга аёлларда 11–13 ҳамда 18–20 ҳафталик гестацион муддатларда қондаги плацентар ўсиш омили (PIGF), fms-шаклли тирозинкиназа-1 (sFlt-1) даражасини, шунингдек уларнинг ўзаро нисбатини ҳамда D витаминининг (25(OH)D) даражасини дифференциал жиҳатдан баҳолаш;

преэклампсия ривожланиш хавфи юқори бўлган гестация муддат 11–13 ва 18–20 ҳафталик ҳомиладор аёлларда бачадон артерияларидаги қон оқимида оид доплерометрик кўрсаткичларни баҳолаш ва прогностик қийматга эга бўлган параметрларни аниқлаш;

преэклампсия ривожланиш хавфи мавжуд бўлган аёлларда fms-шаклли тирозинкиназа-1 (sFlt-1) ва плацентар ўсиш омили (PlGF) нисбати, D витамини (25(OH)D) даражаси ҳамда бачадон артериялари пульсация индексининг ўзаро корреляцион боғлиқлигини таҳлил қилиш, шунингдек sFlt-1/PlGF нисбати, D витамини даражаси ва пульсация индексининг преэклампсияни башорат қилиш ва унинг ривожланишини баҳолашдаги сезгирлик ва ўзига хослигини аниқлаш;

преэклампсия ривожланиш хавфи мавжуд бўлган ва касаллик ривожланган аёлларда плацентанинг морфологик хусусиятларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** тадқиқот объекти сифатида 2022–2024 йилларда Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказига мурожаат қилган, преэклампсия ривожланиши учун клиник хавф омиллари мавжуд бўлган 80 нафар ҳамда ҳомиладорлик физиологик кечган 50 нафар ҳомиладор аёллар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида периферик веноз қон, периферик веноз қон зардоби, бачадон артерияларининг доплерометрик кўрсаткичлари ҳамда плацентанинг морфо-гистологик текшируви олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни ўтказиш жараёнида умумклиник, биокимёвий, доплерометрия, гистологик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор клиник хавф омиллари мавжуд бўлган ҳомиладор аёлларда ангиоген омиллар (sFlt-1, PlGF), D витамини (25(OH)D) ва бачадон артерияларининг доплерометрик кўрсаткичларини биргаликда қўллаганда sFlt-1/PlGF нисбатининг ортиши, преэклампсия хавфини эрта аниқлашнинг прогностик мезони эканлиги исботланган;

илк бор ҳомиладорлик физиологик кечаётган аёлларда ҳомиладорликнинг эрта муддатларида PlGF, sFlt-1 ва уларнинг нисбати (sFlt-1/PlGF) учун референс диапазонлар ҳамда чегаравий қийматлар кўрсаткичлари икки мартадан ортиқ ошганда преэклампсия ривожланиш эҳтимоли ишончли даражада ортиши аниқланган;

илк бор sFlt-1, PlGF ва D витамини (25(OH)D) даражалари билан бачадон артерияларининг доплерометрик кўрсаткичлари ўртасида тўғридан тўғри корреляцион боғлиқлик мавжудлиги исботланган;

илк бор ангиогеник биомаркерлар, D витамини даражаси ва ҳомиладорликнинг эрта муддатларида текширилган бачадон артерияларининг доплерометрия параметрларидан фойдаланиш преэклампсияни прогнозлаш моделида сезгирлик ва ўзига хослики 86 % гача ошириб бериши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

амалиётчи шифокорлар учун преэклампсия клиник хавф омиллари мавжуд бўлган ҳомиладор аёлларга индивидуал ёндашув принципи илмий асосланган ҳолда ҳомиладорликнинг эрта босқичларида юқори хавф гуруҳини аниқлаш ҳамда дори-дармонларни асоссиз тайинлаш ва муддатидан олдин оператив туғруққа йўл қўймаслик имконияти асосланган;



преэклампсия ривожланиш хавфи юқори бўлган ҳомиладорларда профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш учун ишлаб чиқилган дифференциал ёндашув алгоритми аёл организмидаги оғир асоратларнинг олдини олиш мақсадида ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларида муайян биомаркерлар асосида преэклампсия ривожланишини башорат қилиш аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ва амалий ёндашув ҳамда услублар, назарий маълумотлар билан олинган натижалар ўртасидаги мослик, тадқиқотларнинг методологик тўғрилиги, етарли сонидagi беморларни қамраб олиш, клиник, инструментал, морфологик ва статистик усуллардан фойдаланилган ҳолда натижаларни қайта ишлаш, шунингдек олинган хулосалар ва натижаларнинг халқаро ва маҳаллий маълумотлар билан таққослаш асосида тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шунда намоён бўладики, преэклампсияни башорат қилишга оид тасаввурлар аниқлаштирилди ва кенгайтирилди, ушбу таҳлил натижасида биомаркерлар ўртасидаги муносабатлар орқали хавф гуруҳини аниқлаш имкониятлари кенгайди, шунингдек клиник хавф омиллари мавжуд бўлган аёлларда fms-шаклли тирозинкиназа-1 (sFlt-1), плацентар ўсиш омили (PlGF) ва D витамини (25(OH)D) ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундаки, анамнез маълумотлари, клиник кўринишлар ва бачадон артерияларининг доплероетрик кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида методологик ёндашув асосида ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларида преэклампсия ривожланиши хавфи юқори бўлган гуруҳни аниқлаш учун зарур диагностик комплексни белгилашга, шунингдек, асоссиз диагностик ва даволаш тадбирлар сонини камайтириш, шунингдек преэклампсия ривожланишини олдини олиш бўйича профилактик тадбирларни оптималлаштириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Преэклампсияни башорат қилиш ва унинг прогресслашувини баҳолашда айрим биокимёвий ва биофизик маркерларнинг ўзига хослиги ва сезгирлигини ўрганиш натижалари асосида:

*биринчи илмий янгилик:* илк бор клиник хавф омиллари мавжуд бўлган ҳомиладор аёлларда ангиоген омиллар (sFlt-1, PlGF), D витамини (25(OH)D) ва бачадон артерияларининг доплероетрик кўрсаткичларини биргаликда қўллаганда sFlt-1/PlGF нисбатининг ортиши, преэклампсия хавфини эрта аниқлашнинг прогностик мезони эканлиги исботланган бўйича таклифлар Республика она ва бола саломатлиги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Илмий Кенгаши томонидан 3 декабр 2024 йил 14 сон билан тасдиқланган “Преэклампсия ривожланиши ва авж олишининг эрта ташхислаш тамойиллари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф 12.02.2025 йилдаги 8-сон буйруқ билан Республика она ва бола саломатлиги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиалига ва 21.02.2025 йилдаги 120-сон буйруқ

билан Самарқанд филиалларининг клиник амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* физиологик ҳомиладорликда ангиоген ва антиангиоген биомаркерларнинг норматив даражаларини белгилаш — эрта дифференциал диагностика ҳамда асоратларни башорат қилиш имконини беради. Бу орқали гипердиагностика ва ортиқча тиббий аралашувлар хавфи камаяди. *Иқтисодий самарадорлиги:* биомаркерларнинг ишончли норматив кўрсаткичларини шакллантириш хавф гуруҳларида лаборатор диагностикадан оқилона фойдаланиш имконини яратади. Бу эса ортиқча текширувлар ва кераксиз касалхонага ётқизилишнинг олдини олиш, асосли клиник мониторинг туфайли ҳар бир бемор учун ўртача 1000000 сўмгача харажатларни камайтириш имконини беради. *Хулоса:* физиологик ҳомиладорликда PlGF, sFlt-1 ва уларнинг нисбати бўйича норматив даражаларни аниқлаш — преэклампсияни эрта башорат қилиш бўйича стандартлаштирилган тизимни жорий этиш ва ҳомиладорликни самарали олиб бориш учун объектив асос бўлади;

*иккинчи илмий янгилик* илк бор ҳомиладорлик физиологик кечаётган аёлларда ҳомиладорликнинг эрта муддатларида PlGF, sFlt-1 ва уларнинг нисбати (sFlt-1/PlGF) учун референс диапазонлар ҳамда чегаравий қийматлар кўрсаткичлари икки мартадан ортиқ ошганда преэклампсия ривожланиш эҳтимоли ишончли даражада ортиши аниқланган бўйича таклифлар Республика она ва бола саломатлиги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Илмий Кенгаши томонидан 3 декабр 2024 йил 14 сон билан тасдиқланган “Преэклампсия ривожланиши ва авж олишининг эрта ташхисот тамойиллари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф 12.02.2025 йилдаги 8-сон буйруқ билан Республика она ва бола саломатлиги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиалига ва 21.02.2025 йилдаги 120-сон буйруқ билан Самарқанд филиалларининг клиник амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* биокимёвий ва доплерометрик маркерлар ёрдамида преэклампсия хавфини ўз вақтида аниқлаш ҳомиладорликдаги оғир асоратлар, эрта туғруқлар, перинатал касалланиш ва она ўлими ҳолатларини камайтириш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* PlGF, sFlt-1 ва D витаминини аниқлаш бўйича биомаркерлар тўпламининг тахминий баҳоси 1180000 сўмни ташкил этади. Оғир преэклампсия билан боғлиқ ҳолатда бир кунлик касалхонага ётқизишнинг ўртача нархи 2,5 миллион сўмдан ошади, бунда дори-дармон билан даволаш ва чақалоқни интенсив кузатиш харажатлари ҳисобга олинмаган. Тавсия этилган прогностик ёндашувни қўллаш оғир ҳолатларни камайтириш, асоссиз касалхонага ётқизиш ва эрта туғилишларнинг олдини олиш имконини беради. Бу эса 1300000 сўмгача бир бемор учун тежамкорликни таъминлайди. *Хулоса:* преэклампсия хавфига эга бўлган аёлларда ҳомиладорликнинг эрта босқичида PlGF, sFlt-1, D витамини даражалари ва бачадон артерияларининг доплерометриясини комплекс баҳолаш етарлидир. Нормадан четлашувлар аниқланганда профилактик даволашни ўз вақтида бошлаш ва динамик кузатувни ташкил қилиш мумкин.

Бу эса соғлиқни сақлаш тизимига бўлган юкни камайтиради ва акушерлик ёрдамнинг самарадорлигини оширади;

*учинчи илмий янгилик:* илк бор sFlt-1, PlGF ва D витамини (25(OH)D) даражалари билан бачадон артерияларининг доплерометрик кўрсаткичлари ўртасида тўғридан тўғри корреляцион боғлиқлик мавжудлиги исботланган бўйича таклифлар Республика она ва бола саломатлиги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Илмий Кенгаши томонидан 3 декабр 2024 йил 14 сон билан тасдиқланган “Прееклампсия ривожланиши ва авж олишининг эрта ташхисот тамойиллари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф 12.02.2025 йилдаги 8-сон буйруқ билан Республика она ва бола саломатлиги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиалига ва 21.02.2025 йилдаги 120-сон буйруқ билан Самарқанд филиалларининг клиник амалиётига жорий этилган.

*Ижтимоий самарадорлиги:* лаборатор ва инструментал маълумотларни ягона диагностик моделда интеграция қилиш орқали юқори хавф гуруҳига кирувчи ҳомиладорларни аниқроқ ажратиш, ўз вақтида профилактика тадбирларини бошлаш ва шундай қилиб оғир шаклдаги преэклампсия, эрта туғруқлар ва перинатал асоратлар сонини камайтириш мумкин бўлди. *Иқтисодий самарадорлиги:* биокимёвий ва доплерометрик скринингни бирлаштириш такрорий қимматбаҳо тестлар ва госпитализация эҳтиёжини камайтиради. Интенсив терапия ва ноўрин кузатув тадбирларига кетадиган харажатларни қисқартириш орқали бир нафар бемор учун иқтисодий самара 1300000 сўмгача етади. *Хулоса:* аниқланган корреляцион боғлиқликлар биомаркерлар ва қон томир кўрсаткичларини биргаликда баҳолашнинг клиник аҳамиятини тасдиқлайди. Бу эса бачадон-плацента қон айланиш бузилиши ва преэклампсияни эрта башорат қилиш имконини беради ва шахсийлаштирилган ҳомиладорликни олиб бориш протоколларини жорий этиш учун имконият яратган;

*тўртинчи илмий янгилик:* илк бор ангиогеник биомаркерлар, D витамини даражаси ва ҳомиладорликнинг эрта муддатларида текширилган бачадон артерияларининг доплерометрия параметрларидан фойдаланиш преэклампсияни прогнозлаш моделида сезгирлик ва ўзига хосликни 86 % гача ошириб бериши исботланган бўйича таклифлар Республика она ва бола саломатлиги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Илмий Кенгаши томонидан 3 декабр 2024 йил 14 сон билан тасдиқланган “Прееклампсия ривожланиши ва авж олишининг эрта ташхисот тамойиллари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф 12.02.2025 йилдаги 8-сон буйруқ билан Республика она ва бола саломатлиги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиалига ва 21.02.2025 йилдаги 120-сон буйруқ билан Самарқанд филиалларининг клиник амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* диагностика аниқлигининг ошиши орқали нотўғри ижобий хулосалар ва ортиқча тиббий аралашувлар сони камайиб, ҳомиладорликни олиб боришда рационал ёндашув таъминланади, она ва бола учун асоратлар хавфи камаяди. *Иқтисодий самарадорлиги:* хавфни баҳолашнинг комплекс

моделли орқали такрорий текширувлар, касалхонага ётқизишлар ва доридармон терапиясига кетадиган харажатлар камаяди. Иқтисодий фойда бир нафар бемор учун ўртача 1300000 сўмгача бўлган миқдорни ташкил қилади, айниқса соғлиқни сақлаш тизими ресурслари чекланган шароитда. *Хулоса:* биомаркерлар, доплерометрия ва клиник-анамнестик маълумотларни биргаликда қўллаш орқали преэклампсияни башорат қилиш самарадорлиги тасдиқланган ва бу акушерлик амалиётида кўп компонентли диагностик алгоритмларни жорий этиш зарурлигини асослаб берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** тадқиқот долзарблиги ва эҳтиёжмандлиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқлаб берилган, тадқиқот объекти тавсифланган, тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилик ва амалий натижалар, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти ҳамда амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар тўғрисида маълумотлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Преэклампсия патогенезининг замонавий концепцияси (адабиётлар шарҳи)”** преэклампсиянинг этиопатогенези, диагностикаси ва прогнозлаш масалалари бўйича долзарб маҳаллий ва хорижий илмий маълумотларнинг тизимли таҳлили келтирилган. Боб бешта асосий бўлимдан иборат бўлиб, уларда плацентация, ангиогенез, эндотелий дисфункциясидаги замонавий тушунчалари, шунингдек, D витамини ва биокимёвий ҳамда биофизик маркерларнинг касаллик патогенези ва ривожланишидаги роли батафсил кўриб чиқилган.

Ангиоген ва антиангиоген омиллар (PlGF ва sFlt-1), плацентанинг гистоморфологик ўзгаришлари ва уларни замонавий доплерометрик усуллар ёрдамида эрта аниқлаш имкониятларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, мавжуд диагностик ёндашув ва прогностик қийматга эга истиқболли биомаркерлар ҳам таҳлил қилинган.

Боб илмий муаммони шакллантириш ва преэклампсияни эрта прогнозлаш ҳамда профилактикасида кўп омилли ёндашувнинг долзарблигини асослаш билан якунланади, бу эса мустақил клиник-лаборатор ва инструментал тадқиқотларни ўтказиш зарурлигини белгилайди.

Диссертациянинг “**Клиник материал ва тадқиқот усуллари**нинг **характеристикаси**” деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда объект, предмет ва тадқиқот дизайни, шунингдек маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишда қўлланган усуллар — клиник-лаборатор, биокимёвий, инструментал ва статистик ёндашувлар батафсил баён этилган. Тадқиқот Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази базасида олиб борилди.

Тадқиқотга марказнинг маслаҳат поликлиникасида кузатувда бўлган, ёши 19 дан 45 ёшгача бўлган 130 нафар ҳомиладор аёл жалб этилди. Барча иштирокчилар икки гуруҳга ажратилди: ҳомиладорлик физиологик кечаётган аёллар ва преэклампсия (ПЭ) ривожланиши учун клиник хавф омилларига эга аёллар.

Текширувга клиник усуллари камраб олган комплекс киритилди: анамнез маълумотларини йиғиш, репродуктив анамнезни таҳлил қилиш, соматик ҳолатни баҳолаш, олдинги гестацион асоратлар, гипертония, қандли диабет, семизлик, аутоиммун ва буйрак касалликларининг мавжудлиги. ПЭ ривожланиши билан боғлиқ хавф омилларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Биокимёвий қисмда қон сийдигида плацентар ўсиш омили (PlGF), fms-шаклли тирозинкиназа-1 (sFlt-1) ва D витамини (25(OH)D) миқдорлари аниқланди ва sFlt-1/PlGF нисбати ҳисоблаб чиқилди. Таҳлиллар сертификатланган лабораторияда, стандартлаштирилган протоколлар асосида мустақкам фазага асосланган иммунофермент таҳлили (ИФА) усулида амалга оширилди.

Бачадон артериялари қон оқими доплерометрик баҳоланиши ҳомиладорликнинг 11–13 ва 18–20 ҳафталарида ўтказилди. Пульсация индекси (PI) аниқланди. Диагностика аниқлигини таъминлаш учун Siemens, Aloka ва PhilipsHD3 каби етакчи жаҳон ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқилган юқори даражадаги УТТ ускуналари қўлланилди. Тадқиқотлар халқаро протоколларга мувофиқ, малака оширган мутахассислар томонидан ўтказилди.

Кейинчалик клиник жиҳатдан ривожланган ПЭ ҳолатларида клиник параметрларнинг динамик ўзгаришлари, бола ҳолати (КТГ, УТТ ва биофизик профил маълумотлари асосида), ҳамда перинатал натижалар баҳоланди.

ПЭ бўлган беморларда туғуруқдан сўнг плацентанинг гистоморфологик тадқиқоти ўтказилди, шу жумладан макро ва микроскопик тавсифлар орқали клиник-лаборатор маълумотлар морфологик субстрат билан таққосланди. Плацента гистоморфологик тадқиқоти РИОваБСИАТМнинг патоморфологик лабораториясида лаборатория мудири Г.Р. Салиходжаева раҳбарлигида ўтказилди.

Натижаларнинг статистик таҳлили тасвирий статистика, параметрик ва нопараметрик тестлар ёрдамида амалга оширилди. Маркерларнинг прогностик қийматини баҳолаш учун сезувчанлик, хусусийлик, мусбат ва манфий прогностик қийматлар ҳисоблаб чиқилди, шунингдек биокимёвий ва доплерометрик кўрсаткичлар ўртасида корреляцион таҳлил ўтказилди.

Такдим этилган методология презклампсия патогенезида иштирок этувчи омилларни баҳолашда комплекс ва кўп параметрли ёндашувни таъминлади ҳамда ушбу ҳомиладорлик асоратини эрта прогноزلаш ва профилактика қилишга мўлжалланган клиник фойдали алгоритмни ишлаб чиқиш учун асос бўлди.

Диссертациянинг **“Ҳомиладор аёлларнинг клиник-анамнез маълумотларини ўрганиш натижалари ва ангиоген омиллар ҳамда D витаминининг гестация муддатига қараб презклампсияни башорат қилишдаги прогностик аҳамияти (муаллиф тадқиқотлари асосида)”** номли учинчи бобида Физиологик ҳомиладорлик ҳамда презклампсия (ПЭ) ривожланиши учун клиник хавф омиллари мавжуд бўлган 130 нафар ҳомиладор аёлнинг клиник, биокимёвий ва биофизик хусусиятларининг комплекс таҳлили натижалари такдим этилган.

Таҳлил жараёнида аниқланишича, хавф гуруҳига кирувчи аёлларда салбий анамнестик омиллар кўпроқ кузатилган: оғир акушер-гинекологик анамнез, артериал гипертензия, семизлик, қандли диабет, буйрак касалликлари ва аутоиммун ҳолатлар. ПЭ хавфи мавжуд бўлган беморларнинг катта қисмида аввалги ҳомиладорликларда асоратлар — муддатидан аввал туғруқ, ҳомила ўсишининг кечикиши, презклампсия ва гестоз қайд этилган.

Физиологик ҳомиладорлик гуруҳидаги аёлларда 11–13 ҳафталик муддатда плацентар ўсиш омили (PIGF) нинг ўртача концентрацияси 115,17 нг/мл [40,95 – 572,33] ни ташкил этган. 18–20 ҳафталикда эса бу кўрсаткич 86,9 нг/мл [724,65 – 397,69] бўлган. Гестация муддати ошган сари, PIGF даражасининг биров пасайиши кузатилади. PIGF асосан ҳомиладорликнинг илк босқичларида фаол бўлиб, она ва ҳомила ўртасида қон айланишини таъминловчи янги қон томирларининг шаклланиши учун муҳимдир. Иккинчи триместрда плацентар ангиогенез яқунланиши билан PIGF’га бўлган эҳтиёж пасаяди.

Шу гуруҳдаги аёлларда fms-шакли тирозинкиназа-1 (sFlt-1) концентрацияси 11–13 ҳафталикда 986,3 нг/мл [640,3 – 1468,2] ва 18–20 ҳафталикда 1655,5 нг/мл [1020,0 – 2638,0] ни ташкил этган. Гестация давомида sFlt-1 даражалари сезиларли ошгани кузатилган ( $p < 0,001$ ).

Физиологик ҳомиладорлик ҳолатидаги аёлларда sFlt-1 ва PIGF ўртасидаги нисбатнинг ўртача қиймати 11–13 ҳафталикда 4,2 [1,6 – 54], 18–20 ҳафталикда эса 11,8 [5,8 – 83,2] ни ташкил этган (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Гестация муддатига қараб sFlt-1/PIGF кўрсаткичини таҳлил қилиш натижалари

Ўрганилган параметр	Кўриқдан ўтганлар сони (n = 50)				p
	11-13 ҳафта		18-20 ҳафта		
	Me	Q <sub>1</sub> – Q <sub>3</sub>	Me	Q <sub>1</sub> – Q <sub>3</sub>	
sFlt/PLGF	4.2	1.6 – 54.6	11.8	5.8 – 83.2	<0.001*

**Изоҳ:** кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар статистик жиҳатдан ишончли ҳисобланади ( $p < 0,05$ ).

Тадқиқот натижалари физиологик кечаётган ҳомиладорликка эга аёлларнинг қон зардобидagi ангиоген маркерлар концентрациясини аниқлаш

имконини берди ва ушбу гуруҳ клиник хавф омилларига эга ҳомиладор аёлларда ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилишда таққослаш гуруҳи сифатида хизмат қилди.

Клиник хавф омилларига эга ҳомиладор аёллар гуруҳида проангиоген омилнинг ўртача концентрацияси 11–13 ҳафта муддатда 124,39 нг/мл [51,02 – 554,62] ва 18–20 ҳафтада 117,45 нг/мл [49,99 – 207,53] ни ташкил этди. Гестация муддати ортиши билан плацентар ўсиш омили (PIGF) микдорининг ишончли камайиши кузатилди ( $p = 0,011$ ). Физиологик кечаётган ҳомиладорлик гуруҳига нисбатан ушбу омилнинг даражаси ҳам 11–13 ҳафталикда, ҳам 18–20 ҳафталикда ишончли юқори бўлди.

Клиник хавф омилларига эга бўлган аёлларда PIGF микдори 11–13 ҳафтада физиологик гуруҳга нисбатан 9,22 пг/мл, 18–20 ҳафтада эса 30,48 нг/мл га юқори бўлди. Ушбу натижалар клиник жиҳатдан муҳим бўлган парадокс ҳолатини намоён этади — яъни преэклампсия хавфи юқори бўлган аёлларда ҳар икки муддатда ҳам (11–13 ҳафта ва 18–20 ҳафта) проангиоген плацентар ўсиш омилнинг юқори даражаси кузатилди.

Шу билан бирга, PIGF микдорининг динамикасида камайиш кузатилди, бу эса статистик жиҳатдан ишончли бўлиб, ангиоген резервнинг эрта тугаши ёки ангиогенезнинг дисрегуляциясини кўрсатиши мумкин. Бундай ўзгаришлар биринчи триместрда плацента дисфункцияси шаклланиши фонида PIGF нинг компенсацион гиперпродукцияси билан изоҳланиши, кейинчалик эса патологик ўзгаришлар ортиши фонида камайиши мумкин.


Клиник хавф омилларига эга бўлган ҳомиладор аёллар гуруҳида sFlt-1 концентрацияси 11–13 ҳафтада 1618,0 нг/мл [990,2 – 2658,2] ва 18–20 ҳафтада 2658,2 нг/мл [1667,2 – 4730,8] ни ташкил этди. Гестация муддати ортиши билан fms-шаклли тирозинкиназа–1 (sFlt-1) микдорининг ишончли ортиши қайд этилди.

Ушбу натижалар шуни кўрсатадики, клиник хавф омилларига эга аёлларда sFlt-1 микдори физиологик ҳомиладорлик гуруҳига нисбатан ишончли юқори бўлади. Бу омилнинг даражаси ҳам 11–13 ҳафтада, ҳам 18–20 ҳафтада ишончли юқори ( $p < 0,001^*$ ).

Клиник хавф омилларига эга гуруҳда 11–13 ҳафтадаги sFlt-1 даражаси физиологик гуруҳга нисбатан 631,7 нг/мл га, 18–20 ҳафтада эса 1002,7 нг/мл га юқори экани аниқланди.

Преэклампсия ривожланиши хавфи юқори бўлган гуруҳда sFlt-1 / PIGF нисбати 11–13 ҳафталикда 15,0 [2,9 – 36,1] ва 18–20 ҳафталикда 18,8 [8,6 – 77,8] ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар ҳомиладорлик давомида ишончли ортишини намоён этади (1-расм).

Олиб борилган тадқиқотларнинг кейинги босқичи проангиоген ва антиангиоген омиллар нисбати даражасига боғлиқ ҳолда преэклампсия (ПЭ) клиник белгилари динамикаси таҳлилидан иборат бўлди. Тадқиқот жараёнида аниқланишича, sFlt-1/PIGF нисбати паст бўлган ҳолатлар (11–13 ҳафтада  $Me = 2,8$  ва 18–20 ҳафтада  $Me = 8,7$ ) физиологик ҳомиладорлик кечиши ва гипертензив асоратлар мавжуд эмаслиги билан ишончли боғлиқдир.



**1-расм. Клиник хавф омилларига эга ҳомиладор аёлларда sFlt-1/PLGF кўрсаткичининг гестация муддатига боғлиқ ҳолда таҳлили натижалари**

Мазкур кўрсаткичнинг энг юқори қийматлари эрта ПЭ бўлган аёлларда кузатилган ( $Me = 86,0$  ва  $340,8$ ), ўртача ошган қийматлар — кеч ПЭ ҳолларида ( $Me = 46,7$  ва  $90,4$ ), ҳамда протеинуриясиз гестацион гипертензияда ( $Me = 23,2$  ва  $27,6$ ) қайд этилган (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Ҳомиладорликнинг 11–13 ва 18–20 ҳафталаридаги sFlt-1/PLGF нисбати ҳамда преэклампсия клиник белгилари учраш частотаси ва уларнинг яққоллиги ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар тадқиқоти натижалари**

Гуруҳ	Кузатув даврлари			p
	Абс. (%)	sFlt/PLGF 11-13 ҳафта	sFlt/PLGF 18-20 ҳафта	
		(n = 130)		
		Me (Q <sub>1</sub> – Q <sub>3</sub> )	Me (Q <sub>1</sub> – Q <sub>3</sub> )	
Гуруҳ I	47 (36,1)	4,2 (1,6 – 9,4)	11,8 (5,8 – 8,2)	<0,001*
Субгуруҳлар IIa	44 (33,8)	2,8 (0,9 – 6,2)	8,7 (5,2– 11,7)	<0,001*
Субгуруҳлар IIb	15 (11,5)	23,2 (18,2 – 33,8)	27,6 (24,7 – 29,7)	<0,001*
Субгуруҳлар IIc	13 (10)	86,0 (59,5 – 168,1)	340,8 (162,7– 421,2)	<0,001*
Субгуруҳлар IId	11 (8,4)	46,7 (37,5 – 58,2)	90,4 (56,1 – 98,0)	<0,001*

**Изоҳ:** I-группа–Ҳомиладорлик физиологик кечган аёллар IIa-қўшимча гуруҳи – Гипертензив бузилишлар кузатилмаган ҳомиладор аёллар IIb-қўшимча гуруҳи – Клиник жиҳатдан аҳамиятли протеинуриясиз гипертензив ҳолатлар ривожланган ҳомиладор аёллар IIc-қўшимча гуруҳи – Эрта преэклампсия ривожланган ҳомиладор аёллар; IId-қўшимча гуруҳи – Кечги преэклампсия ривожланган ҳомиладор аёллар. Кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар статистик жиҳатдан ишончли ( $p < 0,05$ ).



ПЭ хавфи омилларига эга бўлган аёлларда PlGF даражасининг ишончли пасайиши ва sFlt-1 даражасининг ошиши аниқланди, бу эса ангиоген мувозанатнинг бузилиши ва sFlt-1/PlGF нисбатининг кўтарилишига олиб келди.

Олиб борилган корреляцион таҳлил sFlt-1/PlGF нисбатининг биринчи ва иккинчи триместрдаги қийматлари ўртасида кучли ижобий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди ( $r = 0,95$ ;  $p = 0,013$ ), бу эса ангиоген дисбаланснинг прогрессив хусусиятини тасдиқлайди. Олинган маълумотлар sFlt-1/PlGF нисбатининг эрта аниқланиши ПЭ ривожланиш хавфини башорат қилувчи асосий биомаркер сифатида юқори аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлаб, уни динамик клиник кузатувда қўллаш зарурлигини асослайди.

Преэклампсия ривожланиш хавфига эга бўлган, яъни маълум клиник хавф омиллари аниқланган ҳомиладор аёллар гуруҳида D витамини (25(OH)) даражасининг ўртача концентрацияси ПЭ ривожланиш хавфи бўлган клиник хавф омилларига эга ҳомиладор аёлларда 11–13 ҳафталик муддатда 15,0 нг/мл [12,0 – 19,7] ни ташкил этган бўлса, 18–20 ҳафталикда эса 12,2 нг/мл [7,9 – 19,3] ни ташкил этди, бу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан ишончли даражада паст эканлиги аниқланди ( $p < 0,077$ ) (3-жадвал).

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, ҳам хавфсиз физиологик ҳомиладорлик билан кечаётган аёлларда, ҳам клиник хавф омилларига эга бўлган аёллар орасида D витамини етишмовчилиги мавжуд. Бироқ, хавф омилларига эга гуруҳда ушбу дефицитнинг даражаси анча юқори бўлиб, аҳамиятли статистик фарқ билан тавсифланди ( $p = 0,077$ ).

### 3-жадвал

#### Клиник хавф омилларига эга ҳомиладор аёлларда D витамини (25(OH)) (нг/мл) даражасининг динамикаси бўйича тадқиқот натижалари

Ўрганилган параметр	Кўриқдан ўтганлар сони (n = 130)				p
	11-13 ҳафта		18-20 ҳафта		
	Асосий гуруҳи (n = 80)	Назорат гуруҳи (n = 50)	Асосий гуруҳи (n = 80)	Назорат гуруҳи (n = 50)	
	Me (Q <sub>1</sub> – Q <sub>3</sub> )	Me (Q <sub>1</sub> – Q <sub>3</sub> )	Me (Q <sub>1</sub> – Q <sub>3</sub> )	Me (Q <sub>1</sub> – Q <sub>3</sub> )	
витамин D (25 OH)	15,0 (12,0 – 19,7)	17,5 (15,0 – 23,6)	12,2 (7,9 – 19,3)	15,9 (12,1 – 18,2)	0,007

**Изоҳ:** кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар статистик жиҳатдан ишончли ҳисобланади ( $p < 0,05$ ).

Биз D витамини (25(OH)) танқислигининг даражасига қараб ҳомиладорлик кечишининг хусусиятлари ва ПЭ клиник белгилари пайдо бўлиш частотасини ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Клиник хавф омилларига эга бўлган текширилган ҳомиладор аёллар орасида 17 нафар аёлда (21,2%) D витаминининг оғир танқислиги кузатилди, бунда D витамини даражаси 10 нг/мл дан паст бўлган. 32 нафар (40%) аёлда танқислик қайд этилди, уларда D витамини миқдори 10 дан 20 нг/мл гача бўлган. 31 нафар (38,7%) ҳомиладор аёлда етарли бўлмаган даража аниқланди, бу ҳолатда кўрсаткич 20 дан 30 нг/мл гача бўлган.

**D витамини (25ОН) танқислигининг даражаси билан преэклампсия клиник белгилари пайдо бўлиш частотаси ва уларнинг ифодаланиш даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик таҳлили натижалари**

Танқислик даражаси кўрсаткичи	Абс. (%)	Субгуруҳлар р Па	Субгуруҳлар Пб	Субгуруҳлар Пс	Субгуруҳлар Пд
оғир танқислик	17 (21,2%)	1 (5,8%)	3 (17,6%)	7 (41,7%)	6 (35,2%)
танқислик	32 (40%)	21 (65,6%)	8 (25%)	2 (6,2%)	1 (3,1%)
енгил танқислик	31 (38,7%)	20 (64,5%)	6 (19,3%)	2 (6,4%)	3 (9,6%)

**Изох:** I-группа–Ҳомиладорлик физиологик кечган аёллар Па-қўшимча гуруҳи – Гипертензив бузилишлар кузатилмаган ҳомиладор аёллар Пб-қўшимча гуруҳи – Клиник жиҳатдан аҳамиятли протеинуриясиз гипертензив ҳолатлар ривожланган ҳомиладор аёллар Пс-қўшимча гуруҳи – Эрта преэклампсия ривожланган ҳомиладор аёллар; Пд-қўшимча гуруҳи – Кечги преэклампсия ривожланган ҳомиладор аёллар.

D витамини (25(ОН)D) даражаси билан ҳомиладорликда гипертензив асоратлар ривожланиши ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш шундан далолат берадики, D витамини етарли эмас бўлган ҳолатда (10–20 нг/мл) ва танқислик ҳолатида (<20 нг/мл) ҳомиладор аёлларнинг кўпчилиги қисмида (мос равишда 64,5% ва 65,6%) преэклампсия ривожланиши кузатилмаган. Бироқ, D витаминининг оғир танқислиги ҳолатида (<10 нг/мл) эрта преэклампсия ривожланишининг сезиларли даражада ошиши (41,7%) ҳамда кечки преэклампсия ҳолатлари (35,2%) қайд этилган бўлиб, бу ушбу қўшимча гуруҳга мансуб аёлларда физиологик ҳомиладорлик ҳолатларининг жуда кам (5,8%) эканлиги билан кескин фарқ қилади (4-жадвал).

Олиб борилган корреляцион таҳлил D витамини танқислиги даражаси билан преэклампсиянинг ҳам эрта ( $r = -0,86$ ), ҳам кечки ( $r = -0,75$ ) шакллари ривожланиши ўртасида тесқари боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди. Намуна ҳажмининг чекланганлиги сабабли статистик аҳамиятга эришилмаган бўлса-да, олинган натижалар шундан далолат берадики, D витаминининг оғир танқислиги ангиогенетик дисбаланс ва ПЭнинг эрта бошланиши учун муҳим прогностик кўрсаткич бўлиши мумкин.

Олинган маълумотлар мазкур биомаркерларни I триместрдаёқ комплекс баҳолашнинг прогностик аҳамиятини тасдиқлайди. sFlt-1/PlGF нисбати 36дан юқори бўлган ҳолатларда ПЭ ривожланиши эҳтимоли юқори эканлиги аниқланган. Шунингдек, 20 нг/млдан паст бўлган витамин D даражалари патологик гестацион жараёнларга эга аёлларда анча кўп учрайди.

Хулоса қилиб айтганда, олинган натижалар преэклампсия патогенезида ангиогенез бузилишлари ва D витамини метаболизмининг муҳим ролини тасдиқлайди ҳамда хавф гуруҳига мансуб ҳомиладор аёлларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида профилактик чораларни бошлаш учун ушбу кўрсаткичларни комплекс баҳолаш зарурлигини асослаб беради.

Диссертациянинг “Ҳомиладорларда гестация муддатига қараб бачадон артерияларида қон айланиши хусусиятларини ўрганиш натижалари ва корреляцион боғлиқлик таҳлили” деб номланган тўртинчи бобида гестация муддатига қараб преэклампсия ривожланиш хавфи мавжуд бўлган ва физиологик ҳомиладорлик кечиши кузатилган аёлларда бачадон-плацента қон айланишининг доплерометрия кўрсаткичларини баҳолаш натижалари тақдим этилган.

Допплерометрик текширув 11–13 ҳамда 18–20 ҳафта гестация муддатларида эксперт даражасидаги ультратовуш ускуналари ёрдамида амалга оширилди. Тадқиқотда бачадон артерияларидаги пульсация индекси (ПИ) кўрсаткичлари ҳисобга олинди. Олинган маълумотлар гуруҳлар орасида ишончли фарқлар мавжудлигини кўрсатди: физиологик ҳомиладорлик кечиши кузатилган аёлларда қон айланиши параметрлари норматив референс қийматларга мос келган бўлса, ПЭ хавфи бор аёлларда, айниқса витамин D етишмовчилиги ва ангиоген дисбаланс ҳолатларида ПИ ошгани ва икки томонлама инцизия ҳолатлари кўпроқ учрагани кузатилди.

Алоҳида эътибор доплерометрия параметрлари билан биомаркерлар — sFlt-1, PlGF ва D витамини даражалари ўртасидаги боғлиқликни ўрганишга қаратилиши лозим. Олиб борилган корреляцион таҳлил соғлом статистик боғлиқлик мавжудлигини тасдиқлади: sFlt-1/PlGF нисбати, 25(OH)D даражаси ва қон томир қаршилиги кўрсаткичлари ўртасида ишончли боғлиқлик мавжуд. Бу натижалар шундан далolat берадики, ангиоген ва витамин D етишмовчилиги билан боғлиқ дисбаланс ҳолатларида бачадон-плацента қон айланиши бузилишлари ҳомиладорликнинг эрта босқичларидаёқ шакллана бошлайди. Бу ҳолатларни эрта аниқлаш ва ПЭни олдини олиш мақсадида комплекс баҳолаш зарурлигини кўрсатади.

ПЭ ривожланиш хавфига эга ҳомиладор аёлларда бачадон артериялари бўйича ўртача пульсация индекси 11–13 ҳафталик муддатда 1,5 [1,4–2,1] ва 18–20 ҳафталик муддатда 1,6 [1,4–1,8] ни ташкил этди (5-жадвал).

#### 5-жадвал

**Клиник хавф омиллари мавжуд бўлган гуруҳда гестация муддатига қараб бачадон артерияларидаги ПИ параметрлари динамикасини таҳлил қилиш натижалари**

Ўрганилган параметр	Кўриқдан ўтганлар сони (n = 130)				p
	11-13 ҳафта		18-20 ҳафта		
	Асосий гуруҳи (n = 80)	Назорат гуруҳи (n = 50)	Асосий гуруҳи (n = 80)	Назорат гуруҳи (n = 50)	
	Me (Q <sub>1</sub> – Q <sub>3</sub> )	Me (Q <sub>1</sub> – Q <sub>3</sub> )	Me (Q <sub>1</sub> – Q <sub>3</sub> )	Me (Q <sub>1</sub> – Q <sub>3</sub> )	
Ўртача пульсация индекси, ПИ	1,5 (1,4 – 2,1)	1,6 (1,4 – 2,4)	1,6 (1,4 – 1,8)	1,6 (1,4 – 1,7)	<0,05

**Изоҳ:** Кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар статистик жиҳатдан ишончли (p < 0,05).

Ушбу тоифадаги беморларда гестациянинг эрта муддатларида ПИнинг ошиши бачадон-плацента қон айланишидаги қаршиликнинг ортиши ва спирал артерияларнинг ремоделинг жараёнларидаги бузилишларни кўрсатади. Олинган натижалар ПЭ хавфини стратификация қилишда доплерометриянинг эрта босқичдаги клиник аҳамиятини тасдиқлайди.

Тадқиқот давомида аниқланишича, бачадон артерияларидаги пульсация индексининг (ПИ) ошиши 26,1% ҳомиладор аёлларда кузатилган бўлиб, бундай ҳолат энг кўп ҳолларда кеч (23,5%) ва эрта (20,5%) преэклампсия ҳолатларида қайд этилган. Ўхшаш тенденция резистентлик индексини (РИ) баҳолашда ҳам кузатилган бўлиб, бу кўрсаткичнинг ошиши ПЭнинг ҳар икки шаклида 25% ҳолатларда қайд этилган. Бу маълумотлар доплерометрик маркерларни томир қаршилиги ва плацентар дисфункциянинг муҳим индикаторлари сифатидаги аҳамиятини тасдиқлайди.

Плацента қалинлигининг ўзгаришлари турлича йўналишда бўлган: унинг қалинлашиши кўпроқ физиологик кечувчи ҳомиладорликларда кузатилган (57,1%), холбуки, қалинликнинг камайиши ПЭ гуруҳларида (36,8% гача) хос бўлган бўлиб, бу васкуляризациянинг бузилишини кўрсатади (6-жадвал).

#### 6-жадвал

**Преэклампсиянинг клиник кўринишлари динамикасини доплерометрия кўрсаткичлари — пульсация индекси (ПИ), резистентлик индекси (ИР) ва плацента қалинлигига боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш натижалари**

Кўрсаткич	Абс. (%)	Субгуруҳлар Па	Субгуруҳлар Пб	Субгуруҳлар Пс	Субгуруҳлар Пд
Ўртача ПИнинг ошган кўрсаткичи	34 (26,1%)	13 (38,2%)	6 (17,6%)	7 (20,5%)	8 (23,5%)
Ортача ИРнинг ошган кўрсаткичи	28 (21,5%)	10 (35,7%)	4 (14,2%)	7 (25%)	7 (25%)
